

# БАҢНА АХБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 17 (1092), 2017 йил 27 апрель

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



2017 йил 18 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 14 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2017 йилги иқтисодий дастурнинг устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, тармоқлар ва ҳудудларни янада комплекс ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналари ва минтақаларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган дастурий чоралар ҳар томонлама ва муфассал кўриб чиқилди.

Қайд этиб ўтилдики, қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тизимли амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилиши, шунингдек, республиканинг барча ҳудудларида Ўзбекистон

Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолият кўрсатиши «Инсон манфаати – ҳар нарсадан улуғ» деган эзгу ғоянинг ҳаётга изчил ва самарали жорий этилишини таъминлади.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури тадбирларини фаол амалга ошириш бошланди. Уларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг, биринчи навбатда, давлат бошқаруви тизимини янада ислоҳ қилиш, давлат хизматлари сифатини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тизимини содалаштириш ва кенгайтириш, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва спорт тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Якка тадбиркорларнинг пластик карталари бўйича қулайликлар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритди.

Унга кўра, якка тартибдаги тадбиркор бундан кейин ўзига берилган корпоратив банк пластик картасини бошқа шахсларга фойдаланиши учун бериши мумкин.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари барча ишлаб чиқариш чикимлари қоплангани, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг олган даромади уларнинг хоҳишига қараб ишлатилиши белгиланган. Ушбу мезондан келиб чиқиб, якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган,

умуман ҳар қандай харажатлар учун тўловларни амалга ошириши мумкин.

Бундай тўловлар амалга оширилганда тегишли тўловни терминал орқали қабул қилган хизматчининг имзоси ва «тўланди» муҳри кўйилган счётлар, квитанциялар, банкومات, инфокиос ва терминал квитанциялари (слип, терминалнинг электрон ҳужжати) ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобот ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади. Эндilikда, бунинг учун томонлар ўртасида, яъни сотувчи ва банк картаси эгаси ўртасида шартнома тузилиши талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Матбуот хизмати.

## Юртимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурдаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги талаб-эҳтиёжга мос келишини таъминлашга қаратилган маркетинг изланишларини фаол давом эттирмоқда.



Шу билан бирга, мамлакатимиз маҳсулотларига қизиқиб билдирган хорижий импортчи ташкилотлар рўй-

хатини шакллантириб, уни экспортёр корхоналаримиз орасида кенг тарғиб этмоқда.

Жорий йилнинг январь-март ойлари давомида жамғарма 42 та кичик бизнес субъектига 242 млн. сўм қийматида молиявий ёрдам кўрсатиб, Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган «Яшил ҳафта-2017» (январь ойда) ва Москвадаги «ПродЭкспо-2017» (февраль ойда) каби халқаро кўргазмаларда иштирок этишини таъминлади. Натижада тадбиркорлар томонидан 92 млн. АҚШ долларилек экспорт келишувлари имзоланди.

(Давоми 12-бетда).

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 25 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

|                         |         |                    |          |                    |         |                       |         |
|-------------------------|---------|--------------------|----------|--------------------|---------|-----------------------|---------|
| 1 Австралия доллари     | 2798,94 | 1 Канада доллари   | 2749,22  | 1 Норвегия кронаси | 431,09  | 1 евро                | 3967,46 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4739,89 | 1 Хитой юани       | 538,32   | 1 Польша злотийси  | 947,91  | 10 Жанубий Корея вони | 32,67   |
| 1 Дания кронаси         | 540,72  | 1 Қўвайт динари    | 12175,50 | 1 Сингапур доллари | 2656,60 | 10 Япония иенаси      | 336,66  |
| 1 БАА дирҳами           | 1009,05 | 1 Россия рубли     | 65,91    | 1 СДР              | 5051,92 |                       |         |
| 1 АҚШ доллари           | 3706,22 | 1 Украина гривнаси | 138,64   | 1 Туркия лираси    | 1023,65 |                       |         |
| 1 Миср фунти            | 205,33  | 100 Ливан фунти    | 245,98   | 1 Швеция кронаси   | 418,11  |                       |         |
| 1 Исландия кронаси      | 33,97   | 1 Малайзия рингити | 842,71   | 1 Швейцария франки | 3718,12 |                       |         |

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи:

1 USD ▲ 3706,22 – (3678,89) | 1 EUR ▲ 3967,46 – (3901,63) | 1 GBP ▲ 4739,89 – (4612,23) | 10 JPY ▼ 336,99 – (339,66)

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилишни янада таъминлаш ва давлатнинг иқтисодийётидаги иштирокини қисқартириш чора-тадбирлари амалга оширилиши тадбиркорлик фаолияти фаоллаштиришнинг сезиларли даражада ўсишига ва жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 13,6 мингдан ортиқ ёки 2016 йилнинг худди шу давридаги қараганда 64 фоиз кўп янги субъектлари ташкил этилишига кўмаклашди. Кичик бизнес субъектларига 4,6 триллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди, бу 2016 йилнинг биринчи чорагидаги қараганда 1,3 баравар кўпдир.

Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши натижасида мамлакат иқтисодийётига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 9,7 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитлар – 10,5 фоизга ўсди. Йил бошидан буён 9 та йирик корхона, шунингдек, 4 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Янгидан ташкил этилган «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тармоқлар ва минтақаларнинг экспорт салоҳиятини сафарбар этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар экспортга маҳсулот етказиб беришнинг ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлади. Йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотини экспорт қилмаган 258 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, товарларнинг 117 та янги турини экспорт қилиш, шунингдек, 28 та янги ташқи сотиш бозори ўзлаштирилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж.Раматов, Ғ.И.Ибрагимов, Р.С.Азимов, У.У.Розукулов, Т.К.Нарбаевнинг, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва вилоятлар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 14 январда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳамда жорий йилнинг январь-апрелда Қорақалпоғистон Республикасига, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларига ташрифлари давомида берилган топшириқларни амалга ошириш бўйича ҳисоботлари эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматовнинг, Давархитектқурилиш қўмитаси раиси Б.И.Закировнинг, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти раиси Ф.И.Саломовнинг, «Ўзқурилиш-материаллари» акциядорлик жамияти раиси Б.К.Зариповнинг, Тошкент ви-

лоят ҳокими Ш.Х.Бобоевнинг эътибори ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тасдиқланган ўртача муддатли дастурларини, шу жумладан, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани, қишлоқ жойларда ва шаҳарларда арзон уйлар қуришни жадаллаштиришни сўзсиз таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қўришнинг зарурлигига қаратилди.

Давархитектқурилиш қўмитаси раиси Б.И.Закировга шаҳарсозликдаги эскирган нормативларни тубдан қайта кўриб чиқишни ва капитал қурилишдаги номутаносибликларни бартараф этишни назарда тутган ҳолда қўмитанинг бутун тизимини тубдан қайта ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туркуми пакетини ишлаб чиқишни тугаллашни тезлаштириш ва тасдиқлаш учун киритиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Мамлакат Президентининг шу йил 12 апрелда пойтахтнинг Чилонзор туманига ташрифи давомида аниқланган меъморий қиёфани, йўл-транспорт тизимини ва уй-жой-коммунал инфратузилмани яхшилаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари иши самарадорлигини ошириш билан боғлиқ камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг аввало, хорижий инвестициялар жалб этилган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқишни таъминлаш, шунингдек, иқтисодийётнинг етакчи тармоқларида йирик стратегик инвестиция лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариш объектиларини белгиланган муддатларда сўзсиз ишга тушириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И.Ибрагимовнинг, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раиси А.С.Султановнинг, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси раиси Э.Р.Шоисматовнинг ва «Ўзимёсанот» акциядорлик жамияти раиси А.А.Абдуллаевнинг ҳисоботлари эшитилди. Муҳокамалар давомида мамлакат Президентининг Туркменистон, Қозоғистон ва Россия Федерациясига яқиндаги давлат ташрифлари давомида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича имзоланган битимлар ва контрактларни ўз вақтида бажаришни таъминлашга доир қўшимча амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимовнинг, молия вазирини Б.А.Хўжаевнинг, иқтисодийёт вазири Г.К.Саидовнинг, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари С.С.Ходжаевнинг, шунингдек, Қашқадарё ва Наманган ви-

лоятлари ҳокимлари З.Ш.Рўзиев ва Х.Х.Бозоровнинг ҳисоботлари эшитилди. Улар олдига ҳудудий, молия-бюджет ва солиқ режалаштирилишини такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириш амалий чора-тадбирларини бажариш, туманлар ва шаҳарларнинг субвенция даражасини пасайтириш ва уларни субвенциядан чиқариш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳисобига макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлашни таъминлайдиган кечиктириб бўлмайдиган комплекс чора-тадбирлар кўриш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг иқтисодийёт ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича биринчи ўринбосарларининг шахсий масъулияти алоҳида қайд этиб ўтилди. Уларнинг ишлари самарадорлиги аниқ мезонлари бўйича баҳоланади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.К.Шараповнинг эътибори туризм соҳасини ривожлантиришнинг яхлит концепциясини изчил амалга ошириш, туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган барча тўсиқлар ва ғовларни олиб ташлаш, туризм хизматлари бозорига рақобатни ташкил этишга йўналтирилган дастурий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни тезлаштириш зарурлигига қаратилди.

Мажлисида иқтисодийёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш ва сафарбар қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқаришни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У.Розукуловнинг, ташқи савдо вазири Э.М.Ғаниевнинг, Жиззах ва Бухоро вилоятлари ҳокимлари У.И.Узоқов ва Ў.И.Барноевнинг, шунингдек, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг иши натижадорлиги батафсил таҳлил қилинди.

Маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришни таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар учун «Ўзбекизоққоватхолдинг» компанияси раиси О.Б.Рустамовга, «Ўзагротехноатхолдинг» компанияси раиси Н.С.Отажоновга, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Олтинкўл (Каримов), Булоқбоши (Махсудов), Қўргонтепа (Эргашев), Хўжабод (Исмаилов), Бухоро (Эсонов), Воб-

кент (Жаводов), Бахмал (Сафаров), Сариосиё (Жўраев), Сирдарё (Назаров) ва Кува (Раҳмонов) туманлар ҳокимларига шахсий баҳо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У.Розукуловга, ташқи савдо вазири Э.М.Ғаниевга, «Ўзбекизоққоватхолдинг» компанияси раиси О.Б.Рустамовга, «Ўзагротекспорт» компанияси раиси Ж.А.Холмухамедовга, барча даражалардаги ҳокимликларга логистиканинг замонавий тизимини ривожлантиришни жадаллаштириш, янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини, шу жумладан, Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ўтказилиши давомида тузилган шартномалар доирасида экспортга етказиб беришнинг кафолатланган ҳажмларини таъминлаш юзасидан тизимли чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К.Нарбаева, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Ш.С.Жавлонов ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига оилаларда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида уларни ҳар хил ҳалокатли таҳдидлардан, ёт диний ва экстремистик таъсирлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, хотин-қизларнинг, шу жумладан, тадбиркорлик соҳасида оқилона машғул бўлишини таъминлаш мақсадида маънавий-ахлоқий ва тарғибот ишларини кучайтириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисида 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини ҳамда тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган мақсадли параметрларини муваффақиятли бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижалли ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича мамлакат Президентининг жорий йил 11 апрелдаги қарори талаблари амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Республика Ҳукуматининг мажлисида киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан мавжуд заҳираларни сафарбар этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

Тижорат банклари томонидан тўқимачилик корхоналарига пахта толасини сотиб олиш ҳамда улгуржи савдо корхоналарига айланма маблағларини тўлдиришга револьвер кредитлари бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида  
2017 йил 3 апрель куни 1704-1-сон билан  
давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 14 июлдаги 19/1-сон қарори (рўйхат рақами 1704, 2007 йил 25 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 356-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан тўқимачилик корхоналарига пахта толасини сотиб олиш ҳамда улгуржи савдо корхоналарига айланма маблағларини тўлдиришга револьвер кредитлари бериш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки раиси  
Тошкент ш.,  
2017 йил 4 март, 4/1-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2017 йил 4 мартдаги 4/1-сонли қарорига  
ИЛОВА

Тижорат банклари томонидан тўқимачилик корхоналарига пахта толасини сотиб олиш ҳамда улгуржи савдо корхоналарига айланма маблағларини тўлдиришга револьвер кредитлари бериш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган  
ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 8-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қарз олувчининг тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), шунингдек, 90 кундан ортиқ муддатдаги қараларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл)».

2. 13-бандда:

биринчи хатбошисидаги «ўн» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин; иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банкнинг кредит кўмитаси томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, банк томонидан қарор қабул қилинган кундан кейинги банк иш кунидан кечиктирилмаган муддатда, қарз олувчига кредит беришнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилган ёзма хулоса жўнатилади.»

## Ижтимоий-иқтисодий юксалишни кўзлаб

Инвестицион жозибдорликни ошириш, юқори ликвидлик, барқарорлик ва асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш ҳамда уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказиш орқали рақобатдош, ички бозор ва экспортга мос маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, хизматлар кўрсатувчи корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаб келаётган «Асака» акциядорлик-тижорат банки томонидан жорий йилда ҳам қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинган.

Жорий йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, «Асака» банк жами активлари 11,1 трлн. сўмга, жами капитали 1 трлн. 91,2 млрд. сўмга етди.

Автомобилсозлик билан бир қаторда тоғ-кон, нефть-газ, кимё, энергетика, енгил, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, транспорт, қурилиш каби иқтисодийнинг турли тармоқларига йўналтирилган банк кредит қўйилмалари ҳажми эса, 6 трлн. 221,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, уларнинг 5 трлн. 897,3 млрд. сўми узоқ муддатли кредитлар, шундан 5 трлн. 82,2 млрд. сўми инвестиция кредитларидир. Шу ўринда айтиш жоиз, 2017 йил давомида «Асака» банк томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга 1,66 трлн. сўм миқдорига кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Банкнинг инвестициявий фаолияти давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар ижроси доирасида олиб борилмоқда. Чунончи, Биринчи Президентимизнинг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1166-сонли Қарори талабларига мувофиқ, 2016 йилда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 1 380,7 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида ишбу ҳужжат асосида 600,0 млрд. сўм миқдорига кредитлар жалб қилинди.

(Давоми 12-бетда).



## «Туронбанк»: янги марралар сари ундаётган замонавий хизматлар

Банк-молия тизимида ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланишига қаратилган чора-тадбирлар натижасида электрон ҳисоб-китоб қилиш тизими ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб келди.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, жамиятда электрон-ахборот алмашувини жорий қилиш ва такомиллаштириш, жумладан, банк тизимида мазкур соҳа имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш, ҳисоб-китоблар ва тўловларнинг электрон шаклини янада тараққий эттириш, масофадан туриб пул маблағларини тасарруф этиш имкониятларини яратиш, мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш орқали тижорат банклари томонидан ахборот-коммуникация технологиялари асосида мижозларга янги турдаги сифатли хизматлар кўрсатилишига эришиш мақсад қилинган.

банк муассасасига бориб тўлар эдик, — дейди «Анвар ва Аббос гавҳари» деҳқон хўжалиги раҳбари Анваржон Тожибоев. — Бу бизга вақт ва масофа жиҳатидан анчагина ноқулайликлар туғдирар эди. «Туронбанк» АТБ томонидан «Turon-Mobile-Banking» мобил-банкнинг хизматининг ишга туширилиши биз каби мижозларга катта қулайлик ва имкониятларни ярати берди. Эндиликда мазкур хизмат орқали бизнес ҳамкорларимиз билан ҳисоб-китобларни жуда қулай тарзда, тўловларни исталган жойдан ўтказмоқдамиз.

Яна бир маълумот, айти пайтда банк томонидан жисмоний шахсларнинг мобил телефонлари учун



Хусусан, «Туронбанк» АТБ ҳам ривожланиш стратегиясининг асосий йўналиши сифатида банк тизимига инновацион ахборот технологияларини изчил татбиқ этиш орқали янги банк хизматларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни модернизация қилишга катта эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда ҳаётимизга чуқурроқ кириб келаётган ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, уларни амалиётга, яъни банк фаолиятига жорий этиш, мавжуд имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш «Туронбанк» АТБнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Айтиш мумкинки, молия муассасаси томонидан яқинда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жорий этилган «Turon-Mobile-Banking» мобил-банкнинг хизмати қисқа муддатда банк мижозларининг эътирофига сазовор бўлди. Ушбу хизматнинг бепуллиги, мижоз масофадан туриб молиявий операцияларни қисқа муддатларда амалга ошириши, хўжалик юртувчи субъектлар ўртасида ҳамда миллий ва халқаро ҳисоб-китобларнинг аниқ вақтда амалга оширилиши «Turon-Mobile-Banking»нинг муҳим афзалликларидан биридир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, молиявий операцияларни интернет орқали бажариш харажатларни 3 баравардан қарийб 10 бараваргача камайитириш имконини беради. «Turon-Mobile-Banking» хизматида мижоз учун қулай вақтда банк муассасасига келмасдан амалиётни бажариш имконияти мавжуд.

— Яқин-яқингача турли тўловларни

мўлжалланган «TuronMobile» дастури ҳам ишга туширилган бўлиб, бунда 80 дан ортиқ, хусусан, алоқа, интернет, телевидение, коммунал хизматлар, солиқ, жарима ҳамда бошқа тўловларни воситачилик ҳақисиз масофадан туриб амалга ошириш мумкин. Юқорида айтиб ўтилган хизматларнинг барчаси эндиликда янада соддалаштирилиб, бугунги кунда масофадан туриб кредит сўндириш имконияти яратилди. Бу эса банк мижозларига муассасага келмасдан барча хизматлардан тезкорлик билан фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

«Туронбанк» АТБ томонидан жорий этилаётган ҳамда замонавий дастурларга асосланган янги банк хизматлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларини масофадан бажариш тизимларидан «Turon-Mobile-Banking», «Интернет-банкнинг», «TuronMobile», «Turon Online», «SMS-banking» ва бошқалар) фойдаланувчилар сонининг орттишини таъминламоқда.

Сирасини айтганда, «Туронбанк» АТБнинг бундай саъй-ҳаракатлари ахборот-коммуникация технологияларининг мавжуд имкониятлари асосида молия муассасасининг янада тараққий этишига пойдевор бўлмоқда. Бинобарин, масофадан туриб банк хизматларидан фойдаланиш — банк ва мижоз учун бирдек қулайлик яратиб, замонавий ахборот технологияларига асосланган банк-молия хизматлари янада оммалашишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бекзод АКРОМОВ.

Хизматлар лицензияланган.



# «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎЗР МБнинг 2016 йил 20 августдаги 74-сонли лицензияси.  
Юридик манзили: 100000, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 30.

## МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

| Моддалар   | 2016 йил<br>31 декабрь | 2015 йил<br>31 декабрь |
|--|------------------------|------------------------|
| <b>АКТИВЛАР</b>  |                        |                        |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари                            | 531 431 619            | 386 801 681            |
| Бошқа банклардаги маблағлар  | 449 519 825            | 468 377 476            |
| Мижозларга ажратилган кредитлар ва бўнақлар                          | 4 637 308 140          | 3 364 996 926          |
| Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қозғалар               | 5 289 143              | 5 356 277              |
| Асосий воситалар ва номоддий активлар                                | 92 934 180             | 84 639 059             |
| Фойда солигининг олдидан тўланиши                                    | 4 335 335              | 3 656 006              |
| Кечиктирилган солиқ активи   | 8 730 032              | 7 684 786              |
| Бошқа молиявий активлар  | 729 234                | 580 247                |
| Бошқа номолиявий активлар  | 17 490 182             | 35 474 442             |
| <b>ЖАМИ АКТИВЛАР</b>   | <b>5 747 767 690</b>   | <b>4 357 566 900</b>   |
| <b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>  |                        |                        |
| Бошқа банкларнинг маблағлари   | 248 626 433            | 191 698 400            |
| Мижозлар маблағлари  | 3 050 058 055          | 2 403 574 400          |
| Муомалага чиқарилган қарз қимматли қозғалар                          | 28 652 397             | 25 313 262             |
| Давлат, ҳукумат ва халқаро молиявий муассасалардан олинган маблағлар | 1 989 579 694          | 1 409 103 508          |
| Бошқа молиявий мажбуриятлар  | 4 498 377              | 3 846 471              |
| Бошқа номолиявий мажбуриятлар  | 12 327 029             | 5 017 990              |
| <b>ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР</b>   | <b>5 333 741 985</b>   | <b>4 038 554 031</b>   |
| <b>ХУСУСИЙ КАПИТАЛ</b>   |                        |                        |
| Устав капитали   | 269 421 142            | 242 501 121            |
| Эмиссион даромад   | 754 434                | 754 417                |
| Тақсимланмаган фойда   | 143 850 129            | 75 757 331             |
| <b>ЖАМИ ХУСУСИЙ КАПИТАЛ</b>  | <b>414 025 705</b>     | <b>319 012 869</b>     |
| <b>ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ</b>                          | <b>5 747 767 690</b>   | <b>4 357 566 900</b>   |

## УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

| Моддалар   | 2016 йил           | 2015 йил           |
|--|--------------------|--------------------|
| <b>ДАВОМ ЭТТИРИЛАЁТГАН ФАОЛИЯТ</b>   |                    |                    |
| Фоишли даромадлар  | 378 907 394        | 300 752 988        |
| Фоишли харажатлар  | (178 975 131)      | (138 432 648)      |
| <b>Соф фоишли даромадлар</b>   | <b>199 932 263</b> | <b>162 320 340</b> |
| Мижозларга ажратилган кредит ва бўнақларнинг қадрсизланиши бўйича захирано шакллантириш  | (976 370)          | (13 868 934)       |
| <b>Кредит портфелининг қадрсизланиши бўйича захира шакллантирилишидан кейинги соф фоишли даромад</b>                             | <b>198 955 893</b> | <b>148 451 406</b> |
| Воситачилик даромадлари  | 181 042 621        | 146 314 784        |
| Воситачилик харажатлари  | (35 633 075)       | (25 208 332)       |
| Хорижий валютадаги операциялар бўйича харажатлар чегириб ташланганидан кейинги даромадлар  | 8 598 669          | 5 544 109          |
| Хорижий валютадаги қайта баҳолаш бўйича харажатлар чегириб ташланганидан кейинги даромадлар                                      | 29 994 097         | 33 732 441         |
| Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қозғаларнинг қадрсизланишидан кўрилган зарар                                       | (125 238)          | (227 641)          |
| Дивидендлар тарзидаги даромадлар   | 181 478            | 453 717            |
| Бошқа операцион даромадлар   | 7 467 612          | 7 507 611          |
| (Қадрсизланиш бўйича бошқа захиралар)/тикланиш   | (251 824)          | 570 079            |
| Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар   | (298 873 639)      | (245 521 404)      |
| <b>Солиқ тўлангунга қадар фойда</b>  | <b>91 356 594</b>  | <b>71 616 770</b>  |
| Фойда солигига сарфланган харажатлар   | (19 294 488)       | (16 511 756)       |
| <b>Давом эттирилаётган фаолиятдан олинган йиллик фойда</b>   | <b>72 062 106</b>  | <b>55 105 014</b>  |
| <b>ТЎХАТИЛГАН ФАОЛИЯТ</b>  |                    |                    |
| Тўхатилган фаолиятдан кўрилган йиллик соф фойда  | -                  | 2 939 295          |
| <b>ЙИЛЛИК СОФ ФОЙДА</b>  | <b>72 062 106</b>  | <b>58 044 309</b>  |
| <b>ЖАМИ УМУМИЙ ЙИЛЛИК ДАРОМАД</b>  | <b>72 062 106</b>  | <b>58 044 309</b>  |
| Оддий акциялар бўйича бир акцияга тўғри келадиган ҳам базавий, ҳам ажратилган фойда, сўмда                                       | 995                | 931                |
| Капитал тарбикий қисмга эга бўлган имтиёзли акциялар бўйича бир акцияга тўғри келадиган ҳам базавий, ҳам ажратилган фойда, сўмда | 895                | 1 005              |

## ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

|   | 2016 йил             | 2015 йил             |
|---|----------------------|----------------------|
| <b>Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати</b>   |                      |                      |
| Олинган фоишлар   | 360 951 481          | 301 050 038          |
| Тўланган фоишлар  | (177 068 706)        | (135 382 520)        |
| Олинган воситачилик ҳақлари   | 180 713 414          | 147 788 085          |
| Тўланган воситачилик ҳақлари  | (35 633 075)         | (25 208 332)         |
| Хорижий валюта бўйича операциялардан олинган даромадлар   | 8 598 669            | 5 544 109            |
| Бошқа олинган операцион даромадлар  | 6 973 035            | 7 144 976            |
| Ходимлар учун тўланган харажатлар   | (196 218 962)        | (166 301 910)        |
| Маъмурий ва бошқа тўланган операцион харажатлар   | (79 214 974)         | (72 440 836)         |
| Тўланган фойда солиғи   | (20 558 009)         | (17 838 275)         |
| <b>Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати, операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдин</b> | <b>48 542 873</b>    | <b>44 355 335</b>    |
| Бошқа банклардаги маблағлар бўйича соф камайиш/ўсиш   | 24 915 287           | (137 599 196)        |
| Мижозларга кредитлар ва бўнақлар бўйича соф ўсиш  | (1 095 936 488)      | (709 938 072)        |
| Бошқа номолиявий активлар бўйича соф камайиш  | 624 617              | 2 542 431            |
| Бошқа банкларнинг маблағлари бўйича соф ўсиш  | 56 928 033           | 38 323 600           |
| Мижозларнинг маблағлари бўйича соф ўсиш   | 629 816 384          | 457 764 537          |
| Бошқа номолиявий мажбуриятлар бўйича соф (камайиш)/ўсиш   | (408 357)            | 281 108              |
| <b>Операцион фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари</b>   | <b>(335 517 651)</b> | <b>(304 270 257)</b> |
| <b>Инвестицион фаолиятдан тушган пул маблағлари</b>   |                      |                      |
| Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш   | (21 123 286)         | (18 604 711)         |
| Асосий воситалар ва номоддий активларнинг реализациясидан тушган тушум  | 863 081              | 975 925              |
| Сотиш учун мўлжалланган қимматли қозғаларни харид қилиш   | -                    | (337 057)            |
| Қайта сотувга кўйилган мол-мулк учун савдоси (хариддан тушган тушум)  | 4 717 819            | (1 696 953)          |
| Олинган дивидендлар   | 123 374              | 453 717              |
| Шўъба компаниялар чиқариб юборилиши бўйича тушган соф тушум   | -                    | 4 765 539            |
| <b>Инвестицион фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари</b>   | <b>(15 419 012)</b>  | <b>(14 443 540)</b>  |
| <b>Молиявий фаолиятдан олинган пул маблағлари</b>   |                      |                      |
| Оддий акцияларнинг эмиссияси  | 26 920 037           | 13 080 087           |
| Давлат, ҳукумат ва халқаро молиявий муассасалардан келган тушумлар  | 992 554 426          | 920 956 750          |
| Давлат, ҳукумат ва халқаро молиявий муассасалардан олинган маблағлар бўйича тўловлар                                    | (557 775 466)        | (562 052 875)        |
| Қарз қимматли қозғаларнинг муомалага чиқарилишидан тушган тушумлар  | 6 200 000            | 19 660 000           |
| Қарз қимматли қозғалар бўйича тўловлар  | (2 950 000)          | (16 710 000)         |
| Тўланган дивидендлар  | (3 896 847)          | (9 461)              |
| <b>Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари</b>   | <b>461 052 150</b>   | <b>374 924 501</b>   |
| <b>Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига айирбошлаш курсидаги ўзгаришларнинг таъсири</b>                          | <b>34 514 451</b>    | <b>25 001 657</b>    |
| <b>Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф ўсиши</b>  | <b>144 629 938</b>   | <b>81 212 361</b>    |
| Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари  | 386 801 681          | 305 589 320          |
| <b>Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари</b>  | <b>531 431 619</b>   | <b>386 801 681</b>   |
| <b>Пул маблағларидан холи операциялар:</b>  |                      |                      |
| Дивидендлар капитализацияси   | -                    | 48 630 638           |
| Ипотека шартларида мулкни сотиш   | 9 342 772            | -                    |

## КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ЙИҒМА ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

|  | Устав<br>капитали  | Эмиссион<br>даромад | Тақсимлан-<br>маган фойда | Жами хусу-<br>сий капитал |
|--|--------------------|---------------------|---------------------------|---------------------------|
| <b>2014 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ</b>             | <b>182 302 396</b> | <b>754 417</b>      | <b>66 721 660</b>         | <b>249 778 473</b>        |
| Йиллик соф фойда                                       | -                  | -                   | 58 044 309                | 58 044 309                |
| 2015 йилда акс эттирилган жами умумий даромад          | -                  | -                   | 58 044 309                | 58 044 309                |
| Оддий акциялар эмиссияси                               | 13 080 087         | -                   | -                         | 13 080 087                |
| Дивидендлар капитализацияси                            | 48 630 638         | -                   | (48 630 638)              | -                         |
| Имтиёзли акцияларнинг мажбуриятлари таркибини таъ олиш | (1 512 000)        | -                   | (378 000)                 | (1 890 000)               |
| <b>2015 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ</b>        | <b>242 501 121</b> | <b>754 417</b>      | <b>75 757 331</b>         | <b>319 012 869</b>        |
| Йиллик соф фойда                                       | -                  | -                   | 72 062 106                | 72 062 106                |
| 2016 йилда акс эттирилган жами умумий даромад          | -                  | -                   | 72 062 106                | 72 062 106                |
| Оддий акцияларнинг эмиссияси                           | 26 920 021         | 17                  | -                         | 26 920 038                |
| Эълон қилинган дивидендлар – оддий акциялар            | -                  | -                   | (3 969 308)               | (3 969 308)               |
| <b>2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ</b>        | <b>269 421 142</b> | <b>754 434</b>      | <b>143 850 129</b>        | <b>414 025 705</b>        |

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Делойт ва Туш» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 8 февралдаги АФ 00500-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик ҳуқуқасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

## АУДИТ НАТИЖАЛАРИ

5



# «Трастбанк» хусусий акциядорлик тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2015 йил 27 июндаги 44-сонли лицензияси.  
Юридик манзили: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 7-ўй.

## МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ, 31 декабрда яқунланган 2016 йил учун (минг сўмда)

|   | 2016 йил<br>31 декабрь | 2015 йил<br>31 декабрь |
|---|------------------------|------------------------|
| <b>АКТИВЛАР</b>   |                        |                        |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари   | 472 536 745            | 381 530 125            |
| Бошқа банклардаги маблағлар   | 261 306 199            | 164 142 096            |
| Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар, жумладан, молиявий ижара бўйича дебитор қарздорлик | 570 219 979            | 428 693 846            |
| Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қоғозлар  | 73 087                 | 67 043                 |
| Сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестицион қимматли қоғозлар                                 | 49 545 103             | 32 594 720             |
| Шўъба корхоналарга инвестициялар  | 5 149 648              | 5 254 448              |
| Фойда солиғи бўйича олдиндан тўлов бўйича жорий мажбуриятлар                                  | 1 071 715              | 932 644                |
| Асосий воситалар  | 44 731 772             | 24 567 891             |
| Номоддий активлар   | 5 250                  | 22 843                 |
| Бошқа активлар  | 9 028 092              | 6 271 967              |
| <b>ЖАМИ АКТИВЛАР</b>  | <b>1 413 667 590</b>   | <b>1 044 077 623</b>   |
| <b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>   |                        |                        |
| Бошқа банклар маблағлари  | 6 757 405              | 18 860 850             |
| Мижозлар маблағлари   | 1 234 370 582          | 882 624 603            |
| Муомалага чиқарилган қарз қимматли қоғозлар   | 7 093 589              | 7 142 612              |
| Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари   | 684 216                | 1 337 531              |
| Бошқа мажбуриятлар  | 7 038 592              | 2 991 368              |
| <b>ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР</b>  | <b>1 255 944 384</b>   | <b>912 956 964</b>     |
| <b>ХУСУСИЙ КАПИТАЛ</b>  |                        |                        |
| Устав капитали  | 41 961 733             | 41 961 733             |
| Эмиссион даромад  | 7 097 110              | 7 097 110              |
| Тақсимланмаган фойда  | 108 664 363            | 82 061 816             |
| <b>ЖАМИ ХУСУСИЙ КАПИТАЛ</b>   | <b>157 723 206</b>     | <b>131 120 659</b>     |
| <b>ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ</b>   | <b>1 413 667 590</b>   | <b>1 044 077 623</b>   |

## ФОЙДА ЁКИ ЗАРАР ВА БОШҚА УМУМИЙ ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ, 31 декабрда яқунланган 2016 йил учун (минг сўмда)

|  | 2016 йил          | 2015 йил          |
|--|-------------------|-------------------|
| Фоишли даромадлар  | 85 516 223        | 65 745 948        |
| Фоишли харажатлар  | (13 713 622)      | (11 975 210)      |
| <b>Соф фоишли даромад</b>  | <b>71 802 601</b> | <b>53 770 738</b> |
| Кредит портфели қадрсизланиши ва молиявий ижара бўйича дебитор қарздорлик бўйича захира  | (3 715 427)       | (1 081 525)       |
| Кредит портфели қадрсизланиши ва молиявий ижара бўйича дебитор қарздорлик бўйича захира ташкил этилганидан кейинги соф фоишли даромадлар | <b>68 087 174</b> | <b>52 689 213</b> |
| Воситачилик даромадлари  | 58 423 360        | 46 872 167        |
| Воситачилик харажатлари  | (17 177 841)      | (7 715 618)       |
| Хорижий валютадаги операциялар қайта баҳоланиши бўйича соф даромадлар  | 963 423           | 1 542 846         |
| Хорижий валютадаги операциялар бўйича соф харажатлар   | (18 774)          | (64 249)          |
| Ҳосилавий молиявий воситали операциялар бўйича соф даромадлар(харажатлар)  | 2 122 967         | 294 089           |
| Бошқа активлар қадрсизланиши бўйича захира   | (603 252)         | -                 |
| Шўъба корхоналарнинг молиявий натижадаги улуши   | 1 531 812         | 1 260 179         |
| Бошқа операция даромадлар  | 2 361 627         | 1 887 895         |
| Маъмурий ва бошқа операция харажатлар  | (67 221 891)      | (56 033 177)      |
| <b>Солиқ солинганга қадар фойда</b>  | <b>48 468 605</b> | <b>40 733 345</b> |
| Даромад солиғи бўйича харажатлар   | (12 017 803)      | (8 905 846)       |
| <b>ЙИЛЛИК ДАРОМАД</b>  | <b>36 450 802</b> | <b>31 827 499</b> |
| Бошқа умумий даромад(зарар):   | -                 | -                 |
| <b>Бошқа умумий йиллик даромад</b>   | <b>-</b>          | <b>-</b>          |
| <b>ЖАМИ УМУМИЙ ЙИЛЛИК ДАРОМАД</b>  | <b>36 450 802</b> | <b>31 827 499</b> |
| Имтиёзли акциялар учун базавий ва ажратилган фойда (бир дона акция учун сўмда)   | 811               | 450               |
| Оддий акциялар учун базавий ва ажратилган фойда (ҳар бир акция учун сўмда)   | 906               | 863               |

## ХУСУСИЙ КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ, 31 декабрда яқунланган 2016 йил учун (минг сўмда)

|  | Устав<br>капитали | Эмиссион<br>даромад | Тақсимлан-<br>маган фойда | Жами               |
|--|-------------------|---------------------|---------------------------|--------------------|
| <b>2015 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ, тузатилгани</b>             | <b>33 961 733</b> | <b>4 873 110</b>    | <b>69 992 918</b>         | <b>108 827 761</b> |
| Йиллик даромад   | -                 | -                   | 31 827 499                | 31 827 499         |
| Бошқа умумий даромад   | -                 | -                   | -                         | -                  |
| <b>2015 йил учун жами умумий даромад</b>                               | <b>-</b>          | <b>-</b>            | <b>31 827 499</b>         | <b>31 827 499</b>  |
| Оддий акциялар бўйича тўланган дивидендлар                             | -                 | -                   | (9 925 544)               | (9 925 544)        |
| Имтиёзли акциялар бўйича тўланган дивидендлар                          | -                 | -                   | (3 450)                   | (3 450)            |
| Тақсимланмаган фойдани капиталлаштириш орқали акцияларни эмиссия қилиш | 7 660 683         | 2 168 924           | (9 829 607)               | -                  |
| Акциялар эмиссияси   | 339 317           | 55 076              | -                         | 394 393            |

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «PraysvoterhausKupers» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 12 февралдаги АФ 00492-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.  
Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2016 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

## ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ, 31 декабрда яқунланган 2016 йил учун (минг сўмда)

|  | 2016 йил            | 2015 йил           |
|--|---------------------|--------------------|
| <b>Операцион фаолиятдан келган пул оқимлари</b>  |                     |                    |
| Олинган фоишлар  | 84 425 961          | 65 297 005         |
| Тўланган фоишлар   | (13 857 186)        | (11 753 847)       |
| Олинган воситачилик ҳақлари  | 58 336 793          | 46 291 047         |
| Тўланган воситачилик ҳақлари   | (17 177 841)        | (7 715 618)        |
| Хорижий валюта операциялари бўйича тушган даромадлар(харажатлар)   | (18 774)            | (64 249)           |
| Ҳосилавий молиявий воситалар бўйича зарарлар   | 863 814             | (48 124)           |
| Бошқа олинган операция даромадлар  | 2 361 627           | 1 887 895          |
| Ходимлар таъминоти бўйича тўланган харажатлар  | (39 023 189)        | (29 600 263)       |
| Тўланган маъмурий ва бошқа операция харажатлар   | (21 952 892)        | (20 178 735)       |
| Тўланган фойда солиғи  | (12 810 189)        | (9 381 494)        |
| <b>Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдинги операция фаолиятдан олинган пул оқимлари</b> | <b>41 148 124</b>   | <b>34 733 617</b>  |
| <i>Операцион активларнинг соф (кўпайиши)/камайиши:</i>   |                     |                    |
| - бошқа банклардаги маблағлар  | (96 493 984)        | (52 257 000)       |
| - мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар, жумладан, молиявий ижара бўйича дебитор қарздорлик              | (142 407 104)       | (28 593 725)       |
| - бошқа активлар   | (1 959 406)         | (2 602 165)        |
| <i>Операцион мажбуриятларнинг соф кўпайиши/(камайиши):</i>   |                     |                    |
| - бошқа банкларнинг маблағлари   | (12 162 187)        | 10 430 447         |
| - мижозларнинг маблағлари  | 348 919 497         | 231 469 224        |
| - бошқа мажбуриятлар   | 1 627 216           | 944 110            |
| <b>Операцион фаолиятдан олинган соф пул маблағлари</b>   | <b>138 672 155</b>  | <b>194 124 508</b> |
| <b>Инвестицион фаолиятдан келган пул оқимлари</b>  |                     |                    |
| Сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестицион қимматли қоғозларни харид қилиш                                  | (26 600 000)        | (18 600 000)       |
| Сўндирилгунча сақлаб туриладиган инвестицион қимматли қоғозларнинг сўндирилишидан тушган тушум               | 9 650 000           | 10 537 000         |
| Асосий воситалар ва номоддий активлар сотувидан тушган тушум   | 517 728             | -                  |
| Шўъба корхоналардан олинган даромадлар   | 796 351             | 945 665            |
| Сотиш учун мавжуд инвестицион қимматли қоғозлардан олинган соф кирим(чиқим)                                  | (6 044)             | (4 836)            |
| Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш  | (23 684 761)        | (1 671 083)        |
| <b>Инвестицион фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари</b>  | <b>(39 326 726)</b> | <b>(8 793 254)</b> |
| <b>Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари</b>   |                     |                    |
| Қарз қимматли қоғозларни сўндириш  | -                   | (3 000 000)        |
| Қарз қимматли қоғозлар эмиссиясидан тушган тушум   | (47 500)            | 3 993 178          |
| Акциялар эмиссияси   | -                   | 394 393            |
| Тўланган дивидендлар   | (9 848 255)         | (9 928 994)        |
| <b>Молиявий фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари</b>   | <b>(9 895 755)</b>  | <b>(8 541 423)</b> |
| Айирбошлаш курслари ўзгаришининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири                         | 1 556 946           | 1 270 641          |
| <b>Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши/(камайиши)</b>                                     | <b>91 006 620</b>   | <b>178 060 472</b> |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари, ҳисобот йили бошида   | 381 530 125         | 203 469 653        |
| <b>Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари, ҳисобот йили охирида</b>                                       | <b>472 536 745</b>  | <b>381 530 125</b> |
| Пул маблағларидан холи молиявий фаолият – устав капиталининг эмиссияси                                       | -                   | 9 829 607          |

|   | Устав<br>капитали | Эмиссион<br>даромад | Тақсимлан-<br>маган фойда | Жами               |
|---|-------------------|---------------------|---------------------------|--------------------|
| <b>2015 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ</b> | <b>41 961 733</b> | <b>7 097 110</b>    | <b>82 061 816</b>         | <b>131 120 659</b> |
| Йиллик даромад                                  | -                 | -                   | 36 450 802                | 36 450 802         |
| Бошқа умумий даромад                            | -                 | -                   | -                         | -                  |
| <b>2016 йил учун жами умумий даромад</b>        | <b>-</b>          | <b>-</b>            | <b>36 450 802</b>         | <b>36 450 802</b>  |
| Оддий акциялар бўйича тўланган дивидендлар      | -                 | -                   | (9 855 615)               | (9 855 615)        |
| Имтиёзли акциялар бўйича тўланган дивидендлар   | -                 | -                   | (3 450)                   | (3 450)            |
| Тўланмаган дивидендларнинг қайтарилиши          | -                 | -                   | 10 810                    | 10 810             |
| <b>2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ</b> | <b>41 961 733</b> | <b>7 097 110</b>    | <b>108 664 363</b>        | <b>157 723 206</b> |

АУДИТ НАТИЖАЛАРИ



«Invest Finance Bank» акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2016 йил 20 августдаги 75-сонли лицензияси.  
Юридик манзили: 100029, Тошкент ш., Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ (минг сўмда)

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ (минг сўмда)

|  | 2016 йил<br>31 декабрь | 2015 йил<br>31 декабрь |
|--|------------------------|------------------------|
| <b>АКТИВЛАР</b>  |                        |                        |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари                    | 271 251 393            | 192 855 166            |
| Бошқа банклардаги маблағлар                                  | 116 126 115            | 120 050 010            |
| Мижозларга берилган кредит ва бўнақлар                       | 551 264 743            | 413 688 801            |
| Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қоғозлар       | 7 807 983              | 7 223 273              |
| Банк акциядорларига тўланган дивидендлар   | -                      | (4 129 000)            |
| <b>Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари тушуми/(харажати)</b>  | <b>(4 300 000)</b>     | <b>413 289</b>         |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига валюта айирбашлаш курсларидаги ўзгаришларнинг таъсири                    | (869 064)              | 705 078                |
| <b>Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари соф кўпайиши/(камайиши)</b>   | <b>20 175 870</b>      | <b>31 305 925</b>      |
| <b>Ҳисобот йили бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари</b>   | <b>53 319 997</b>      | <b>22 014 072</b>      |
| <b>Ҳисобот йили охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари</b>  | <b>73 495 867</b>      | <b>53 319 997</b>      |

## АУДИТ НАТИЖАЛАРИ

11



## Чет эл капитали иштирокидаги «Namkorbank» акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 13 декабрдаги 64-сонли лицензияси.  
Юридик манзили: 170119, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобур шоҳкўчаси, 85-уй.

### МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ, 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

| № | Активлар  | 2016 йил             |
|---|---|----------------------|
| 1 | Нақд пуллар ва уларнинг эквивалентлари                            | 870 441 540          |
| 2 | Бошқа банклардаги маблағлар                                       | 544 632 177          |
| 3 | Мижозларга берилган кредитлар                                     | 2 405 421 733        |
| 4 | Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар   | 420 057              |
| 5 | Бошқа инвестициялар   | -                    |
| 6 | Асосий воситалар  | 98 026 720           |
| 7 | Номоддий активлар   | 5 612 253            |
| 8 | Фойда солиғи юзасидан жорий мажбуриятлар бўйича олдиндан тўловлар | 8 553 467            |
| 9 | Бошқа активлар  | 62 862 890           |
|   | <b>Жами активлар</b>  | <b>3 995 970 837</b> |
|   | <b>Мажбуриятлар</b>   |                      |
| 1 | Бошқа банклар пул маблағлари                                      | 23 883 515           |
| 2 | Мижозларнинг маблағлари   | 2 872 779 270        |
| 3 | Эмиссия қилинган қарз қимматли қоғозлар                           | 50 230 000           |
| 4 | Бошқа қарз маблағлари   | 609 882 446          |
| 5 | Солиқ мажбуриятлари   | 2 532 937            |
| 6 | Бошқа мажбуриятлар  | 28 397 959           |
|   | <b>Жами мажбуриятлар</b>  | <b>3 587 706 127</b> |
|   | <b>Капитал</b>  |                      |
| 7 | Устав капитали  | 79 568 326           |
| 8 | Қўшимча капитал   | 12 313 994           |
| 9 | Тақсимланмаган фойда  | 316 382 390          |
|   | <b>Жами капитал</b>   | <b>408 264 710</b>   |
|   | <b>Жами: мажбуриятлар ва капитал</b>                              | <b>3 995 970 837</b> |

### Фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот, 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

| №  | Манбалар   | 2016 йил             |
|----|--|----------------------|
| 1  | Фоишли даромадлар  | 394 779 891          |
| 2  | Фоишли харажатлар  | (132 378 135)        |
| 3  | <b>Соф фоишли даромадлар</b>   | <b>262 401 756</b>   |
| 4  | Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарларни баҳолаш                                | (16 716 805)         |
| 5  | <b>Захирани баҳолаш чегириб ташланганидан кейинги соф фоишли даромад</b>     | <b>245 684 951</b>   |
| 6  | Фоиhsиз даромадлар   | 122 159 168          |
| 7  | Фоиhsиз харажатлар   | (25 944 097)         |
| 8  | Сотиш учун мўлжалланган инвестицион қимматли қоғозлардан олинган соф даромад | 22 061               |
| 9  | Хорижий валюта амалиётларидан олинган соф даромадлар ёки зарар               | (2 476 663)          |
| 10 | Бошқа даромадлар   | 15 314 263           |
| 11 | <b>Жами фоиhsиз даромадлар</b>   | <b>109 074 732</b>   |
| 12 | Бошқа активлар бўйича қилинган захиралар                                     | (1 452 371)          |
| 13 | Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар                                       | (216 190 368)        |
| 14 | <b>Жами фоиhsиз харажатлар</b>   | <b>(217 642 739)</b> |
| 15 | Солиқ тўлангунга қадар соф фойда   | 137 116 944          |
| 16 | Фойда солиғи   | (30 401 094)         |
| 17 | Соф фойда  | 106 715 850          |

### КАПИТАЛ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ, 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

| Манбалар                                       | Устав капитали    | Қўшимча капитал   | Тақсимланмаган фойда | Жами капитал       |
|--|-------------------|-------------------|----------------------|--------------------|
| <b>2014 йил 31 декабрь</b>                     | <b>68 179 720</b> | <b>12 313 994</b> | <b>129 055 328</b>   | <b>209 549 042</b> |
| 1) Йиллик соф фойда                            | -                 | -                 | 89 850 011           | 89 850 011         |
| 2) Акциялар эмиссияси:                         | 11 388 606        | -                 | (8 490 608)          | 2 897 998          |
| а) оддий акциялар                              | 11 388 606        | -                 | (8 211 383)          | 3 177 223          |
| б) имтиёзли акциялар                           | -                 | -                 | (279 225)            | (279 225)          |
| 3) Тўланган дивидендлар:                       | -                 | -                 | (834 363)            | (834 363)          |
| а) оддий акциялар бўйича                       | -                 | -                 | -                    | -                  |
| б) имтиёзли акциялар бўйича                    | -                 | -                 | (834 363)            | (834 363)          |
| 4) Капитализация қилинган тақсимланмаган фойда | -                 | -                 | -                    | -                  |
| <b>2015 йил 31 декабрь</b>                     | <b>79 568 326</b> | <b>12 313 994</b> | <b>209 580 368</b>   | <b>301 462 688</b> |
| 1) Йиллик соф фойда                            | -                 | -                 | 106 715 850          | 106 715 850        |
| 2) Акциялар эмиссияси:                         | -                 | -                 | -                    | -                  |
| а) оддий акциялар                              | -                 | -                 | -                    | -                  |
| б) имтиёзли акциялар                           | -                 | -                 | -                    | -                  |
| 3) Тўланган дивидендлар:                       | -                 | -                 | -                    | -                  |
| а) оддий акциялар бўйича                       | -                 | -                 | -                    | -                  |
| б) имтиёзли акциялар бўйича                    | -                 | -                 | -                    | -                  |
| 4) Капитализация қилинган тақсимланмаган фойда | -                 | -                 | -                    | -                  |
| 5) Талаб қилинмаган дивидендларнинг қайтиши    | -                 | -                 | 86 172               | 86 172             |
| <b>2016 йил 31 декабрь</b>                     | <b>79 568 326</b> | <b>12 313 994</b> | <b>316 382 390</b>   | <b>408 264 710</b> |

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «PricewaterhouseCoopers» МЧЖ аудиторлик ташкилати (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 12 февралдаги АФ 00492-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2016 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

## Ижтимоий-иқтисодий юксалишни кўзлаб

**(Давоми. Бошланиши 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига кўра инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилган кредитлар ҳажми 218,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Ушбу маблағлар юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва бошқа илғор илм-фан ютуқларига асосланган лойиҳаларни молиявий кўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Шунингдек, «Асака» банк томонидан республика-миз вилоятларида уй-жой қурилишини молиялаштириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Ушбу мақсадларга ҳисобот даврида 283,0 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Банк кредитлари ҳисобида 63 та кўп қаватли тузаржой бино-

«Асака» банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармони асосида ҳам катта натижаларга эришилди. Жумладан, банк балансига қабул қилинган банкрот корхоналарнинг 49 таси янги инвесторларга сотилди. Мазкур корхоналар негизда банкнинг 14 та шўъба корхоналарини ташкил қилинди. Банк томонидан ушбу корхоналарга 80,7 млрд. сўм миқдорда инвестициялар киритилди. Ишлаб чиқариш фаолияти тикланган банкрот корхоналарда 4 288 та янги иш ўринлари яратилди, жами 886,6 млрд. сўм миқдорда маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 80,2 млн. АҚШ долларига тенг қисми экспорт қилинди.

Бундан ташқари, банк кредит сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни



лари қад кўтариб, натижада 2 279 оила замонавий андозаларда барпо этилган хонадонларга эга бўлади.

Банк лизинг хизматларини кўрсатиш соҳасида ҳам фаол ишларни олиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 41,0 млрд. сўм миқдордаги 14 та лизингга доир лойиҳа молиялаштирилди ва 2017 йил 1 апрель ҳолатига кўра, банкнинг лизинг портфели ҳажми 154,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

молиявий кўллаб-қувватлаш ҳам устуворлик касб этади. Муассаса ушбу соҳага кўрсатилмаётган банк хизматлари турини кенгайтириш, сифатини янада яхшилаш ва кредит маблағлари ҳажмини кўпайтириш юзасидан барча чора-тадбирларини йилдан-йилга кучайтириб бориши натижасида 2016 йилда 1 трлн. 520 млрд. сўм, жорий йилнинг биринчи чораги давомида эса, 417,9 млрд. сўм миқдорда сармоялар ажратди.

**Наргиз АХМЕДОВА.**

## «Ипак йўли» банки: стратегик ривожланишда бардавом


Ўз фаолиятини 1990 йилда бошлаган «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки нуфузли халқаро рейтинг компаниялари – «Moody's» ва «Fitch Ratings» ҳамда «Ahor-Reyting» миллий рейтинг агентлигининг юқори, истикболи «Барқарор» бўлган баҳоларини кўлга киритиб келмоқда.

Айни пайтда мазкур муассаса ўзининг бош офисидаги амалиёт бошқармаси билан бир қаторда пойтахтимиз (7 та) ва вилоятлардаги жами 14 та минтавий филиални ўз ичига олган кенг инфратузилмага эга. Бугунги кунда банк стратегик ривожланиш режасига мувофиқ, ўз бўлинмалари тармоғини кенгайтиришда давом этиб, жорий йилнинг сўнгигига қадар Фарғона шаҳрида яна бир филиал очишни ражалаштирган.

Ўтган йил якунларига кўра, «Ипак йўли» банкнинг молиявий кўрсаткичлари унинг активлари ва капитали режали ва барқарор ўсаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк активлари 2016 йилнинг шу даври билан қиёслаганда 30 фоизга ўсиб, 2 308,98 млрд. сўмни ташкил этди. 2016 йилда банк томонидан жалб қилинган кредитлар ҳисобига биригина Тошкент шаҳрининг ўзида 1,5 миндан ортқ янги иш ўринлари яратилди.

Таъкидлаш жоиз, банк фаолиятининг муҳим босқичларидан бири 2013 йилда банк устав капиталига Осиё тараққиёт банкнинг 13,6 фоиз улуш билан кирганлигидир. Банк бундай нуфузли халқаро молия институтининг юксак ишончини олиб, ҳозирги кунда республика банк тизимида ўзининг молиявий ўрнини мустаҳкамлаш ва ишонч даражасини ошириш учун барча имкониятларини ишга солмоқда.

Айтиш жоиз, 2001 йилда «Ипак йўли» банки томонидан кичик бизнес вакилларига халқаро молиявий хизматлар кўрсатишнинг самарали механизмининг яро-



на шаклга келтирилган тартиб ҳамда кўлланмалари асосида хизмат кўрсатиш мақсадида «Микромолиялаштириш дастури» ишлаб чиқилган бўлиб, у давр талабларига биноан йилдан-йилга кенгайтириб борилмоқда.

Банкнинг мазкур йўналишда эришган катта ютуқларидан бири – Осиё тараққиёт банкнинг «Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш лойиҳасида қатнашишидир. 2006 йилдан буён ушбу лойиҳа бўйича банкка ажратилган учта кредит линиянинг барчаси тўлиқ ва муваффақиятли ўзлаштирилди: 1,3 млн. АҚШ доллари (1-Фаза), 17 млн. доллар (2-Фаза), 25,0 млн. доллар (3-Фаза).

2016 йил якунлари бўйича Осиё тараққиёт банки линиялари ҳисобидан 22 мингта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳалари молиялаштирилиб, 20 мингдан ортқ янги ишчи ўринлари яратилди. Бунда барча микрокредитларнинг 30 фоизи аёллар тадбиркорлигига ажратилди. Аслида ҳам лойиҳа мақсади шундай бўлган: ҳаётий ва мустаҳкам институционал тузилмалар ва молиявий хизматлар кўрсатишнинг самарали механизмининг яратилиши.

Шу боис «Ипак йўли» банки қишлоқ жойларда касаначилик меҳнатига жалб қилинган тадбиркор аёллар, жисмоний шахслар, кичик корхоналар фаолиятига молиявий мадад кўрсатди.

Осиё тараққиёт банки «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш» бўйича янги келишувга мувофиқ, 2017 йилда «Ипак йўли» банкига 38 млн. доллар миқдорда туртинчи кредит линиясини очди. Мазкур маблағлар яқин йиллар мобайнида ўзлаштирилиши кутилмоқда. Янги кредит линияси бизнес субъектларига юқори технологияли импорт ускуналар сотиб олиб, рақобатдош экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва улар ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилади.

Умуман олганда, «Ипак йўли» банки кенг қамровли вакиллик тармоғига эга бўлиб, бу унга нафақат халқаро тўловларни амалга ошириш, балки хорижий молия институтларининг кредит линияларини иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига жалб қилиши имконини бермоқда.

**Эъзоз КАМОЛОВА.**

## Юртимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш йўлида

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Бундан ташқари, Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг 22-23 март кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ташкил этилган «Ўзбекистон миллий sanoat кўргазмасида жамгарма томонидан юздан ортқ юртимиз корхоналарининг маҳсулотлари намойиш этилди. Кўргазма яқини бўйича тадбиркорларимиз Қозоғистонга тўқимачилик, мева-сабзавот, озик-овқат, мебель ва қурилиш материалларини етказиб бериш бўйича қиймати 24 млн. доллардан зиёд қарийб йигирмага яқин экспорт келишувларини имзолашга эришишди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва

Қозоғистон тадбиркорлари ўртасидаги савдо-иқтисодий aloқаларни янада ривожлантириш мақсадида жамгарма «Kazakhstan Export» экспорт суғурта компанияси, «KAZNEX INVEST» экспорт ва импорт миллий агентлиги, «Қозоғистон мева-сабзавот бирлашмаси» халқаро ассоциацияси ва Қозоғистон савдо корхоналари ассоциацияси билан ўзаро англашув меморандумларини имзолаб, улар доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Қозоғистон бозорларига етказиб бериш, қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларнинг низом жамгармасида иштирок этиш, лойиҳаларини молиялаштириш, ҳамкорликда бизнес-форумлар, ко-

операцион биржа ҳамда бошқа тадбирлар ўтказиш, кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиш, ишончли шериклар топиш, маркетинг тадқиқотлари олиб бориш каби кўплаб тадбирлар ташкил этишни кўзда тутган.


Қайд этиш жоиз, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-қувватлаш жамгармаси жорий йилнинг январь-март ойлари давомида 627 тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатди. Пировардида 270 млн. долларлик экспорт амалга оширилди. Жумладан, ташқи бозорларни ўранишда 347 та, чет эллик ҳамкорларни топишда 91 та,

халқаро кўргазмаларда иштирок этиш, халқаро сертификатлар олиш ва божхона расмийлаштирувида 93 та, экспорт шартномаларини тузиш ва маълумотларни ташқи савдо айланмасининг ягона тизимига киритишда 96 та тадбиркорлик субъектига ёрдам берилди. Шундан 202 та текстиль sanoatида фаолият юритувчи корхоналарга хизмат кўрсатилиши натижасида 151 млн. долларлик экспорт амалга оширилди. Бу кўрсаткич корхоналар сони ҳолатидан ўтган йилга нисбатан 41 фоиз ёки 30 тага, текстиль маҳсулотлари экспорти бўйича эса, 36 фоиз ёки 41 млн. долларга ошганлигини тасдиқлайди.

**Юлдуз ЗОКИРОВА.**

## Мажбурий тиббий суғурта муҳокамасига бағишланди

«Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентлигида «Тиббий суғурта тўғрисида»ги қонун лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчилари иштирокида семинар ташкил этилди.



Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли-жаҳон талабларига жазо берадиган тиббий хизмат кўрсатиш ва сифатли дори воситаларидан фойдаланишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан жорий йилнинг 1 апрелида қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор бу борадаги муҳим ҳуқуқий қадамлардан бири ҳисобланади.

Мазкур қарорда тиббий суғурта соҳасидаги ўзаро муносабатларни тартибга со-

лиш, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғуртанинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, суғурта полислари бўйича кафолатли, юқори сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш, фуқаролар учун тиббий суғурта тизимида иштирок этишда рағбатлантирувчи имтиёз, преференциялар яратиш ва бошқа масалаларга қаратилган «Тиббий суғурта тўғрисида»ги қонун лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

Банк-молия академиясида «Суғурта иши» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган тингловчилар ишти-

рокидаги ушбу семинар эркин мулоқот шаклида ўтиб, унда мамлакатимизда тиббий суғурта соҳасидаги амалиёт, мазкур йўналишдаги суғурта ташкилотлари, хусусан, ассистанс агентликлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар, АҚШ, Германия, Канада, Россия, Буюк Британия каби хорижий давлатларнинг тажрибаси, шунингдек, мазкур ҳуқуқий ҳужжат амалиётга татбиқ этилгач, қутилаётган ижобий натижалар ҳамда уни жорий этиш жараёнида дуч келиниши мумкин бўлган муаммолар каби масалалар муҳокама этилди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

## Суғурта мукофотларида юқори ўсиш суръати

«Alskom» акциядорлик жамияти томонидан жорий йилнинг биринчи чораги давомида жами йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 150 фоизга ўсди.

Мазкур йиғилган суғурта мукофотларининг 76 фоизи ихтиёрий суғурта, 24 фоизи мажбурий суғурта турлари ҳиссасига тўғри келди.

Ҳисобот даврида содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича компания мижозларига жами 1,6 млрд. сўм миқдоридан суғурта қопламалари тўлаб берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп демакдир.

Айтиш жоиз, «Alskom» суғурта компанияси суғурта бозорида ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш, аҳоли ва ўз мижозларига кўпроқ қулайликлар яратиш, барқарор молиявий кўрсаткичларга эришиш мақсадида самарали стратегик сиёсатни олиб бормоқда. Хусусан, ўтган 3 ой давомида муассаса Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Сирдарё, Хоразм, Фаргона ва Тошкент вилоятларида 11 та янги бўлимга фаолиятини йўлга қўйди. Шундай қилиб, бугунги кунда унинг ҳудудий тармоғи Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят-

лар марказларида жойлашган 15 та филиал ҳамда турман ва олис қишлоқларда фаолият кўрсатаётган 114 та бўлиминини ташкил этди.

Шу йилнинг 10 апрелида эса, жамият ўз акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ташкил этиб,

**Ҳисобот даврида содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича компания мижозларига жами 1,6 млрд. сўм миқдоридан суғурта қопламалари тўлаб берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп демакдир.**

унда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига оид мажбуриятини қабул қилиб, унга мувофиқ, қатор ички ҳужжатлар, жумладан, компанияни ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш Стратегияси ишлаб чиқилди.

Назира МАВЛОНОВА.

## Ходимларнинг шахсий жавобгарлик ва масъулияти кучайтирилмоқда

«KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан муассасада ижро интизоми мустаҳкамлашни учун ҳар бир суғурта маркази ҳамда бўлими раҳбар ходимидан шахсий жавобгарлик ва масъулият кучайтирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақда муассаса ижро этувчи органи (Бошқарув)нинг жорий йилнинг биринчи чораги якунларига бағишланган ўтказилган кенгайтирилган мажлисида қайд этилди.

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, компания томонидан мажбурий ҳамда ихтиёрий суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотларининг умумий ҳажми 19,9 млрд. сўмни ташкил этди. Суғурта мукофотлари ҳажмида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 120,5 фоиз ўсиш суръати таъминланди.

Ушбу даврда компания мажбурий суғурта турларидан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича қарийб 5,7 млрд. сўмлик суғурталаш мукофоти жамлаб (ўсиш 120 фоиз), суғурта бозоридаги 20,6 фоиз улушни таъминлади ва ушбу йўналишда фаолият юритаётган суғурталовчилар ўртасида 2-ўринни эгаллади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш (2,2 млрд. сўмдан ортиқ суғурта мукофоти) ҳамда ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш (690,0 млн. сўмдан ортиқ суғурта му-

кофоти) бўйича ушбу йўналишда фаолият юритаётган суғурталовчилар ўртасида етакчилик қилмоқда (1-ўрин).

Ҳисобот даврида қайта суғуртага берилган жавобгарлик 1,8 трлн. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 мартага кўп демакдир. Шу билан бирга, кирувчи қайта суғурта қилиш бўйича 3,0 трлн. сўмлик жавобгарлик қайта суғурталашга олинган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» «Fitch Ratings» халқаро рейтингига эга муассаса сифатида қайта суғурта йўналишида биринчи мартаба чет элдан кирувчи шартнома имзолади.

Компания томонидан ўтган ҳисобот даврида 7,5 млрд. сўмдан ортиқ суғурта қопламалари амалга оширилди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 144 фоизга ўсиш, улар асосан мажбурий турдаги суғурта хизматлари ҳиссасига тўғри келди.

Янги бўлимлар Қорақалпоғистон




Республикасининг Қанлиқул, Андижон вилоятининг Хўжабод ва Жиззах вилоятининг Янгибод туманларида ўз фаолиятини бошлади. Натижада таркибий бўлимларининг умумий сони 194 тага етди.

Компания тизимида ходимларни танлаш, тайёрлаш, малакасини ошириш ва жой-жойга қўйиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Чорак давомида компаниянинг 20 нафар ходими махсус курсларда малака оширди. Кадрлар малакасини оширишнинг янги замонавий усулларида бири, яъни «Kafolat online» базаси негизда интерактив ўқиш тизими янада фаоллаштирилди. Видеомулоқот

алоқа орқали ўқув машғулоти давом эттирилмоқда.

Муассаса веб-сайти давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйилган асосий талаблар асосида тўлиқ янгиланди. Компанияда АКТ ривожланганлиги бўйича максимал 100 баллдан 2016 йилнинг I чораги якуни бўйича 90,8 балл тўпланган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилнинг I чораги якуни бўйича қарийб 95 баллга етказилиб, республиканинг 116 та турли давлат ташкилоти рейтингига биринчи ўринда қайд этилди.

Гулишан ЮСУПОВА.



# Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

## Кўшиб юборилганда лицензияни қайта расмийлаштиришга рухсат берилди

2017 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун эълон қилинди.

Энди янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида фаолиятнинг айна бир лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензияга эга юридик шахслар бўлмиш лицензиатлар кўшиб юборилган тақдирда, лицензияни қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади. Бунинг учун ҳуқуқий ворис қайта рўйхатдан ўтгандан кейин бир ой муддат ичида лицензиянинг қайта расмийлаштирилишини сўраб кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияловчи органга ариза топшириши шарт.

Эслатиб ўтамиз, илгари юридик шахслар қайта ташкил этилганда лицензиянинг амал қилиши тўхтатилар эди, ўзгартирилиши бундан мустасно.

Лицензиянинг амал қилиши лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тугатилган

тақдирда ҳам лицензия қайта расмийлаштирилади. Ушбу ҳолатда лицензияни қайта расмийлаштириш лицензиянинг амал қилишини лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 5 кун ичида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш тартиби фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомлар билан белгиланади.

Тегишли тузатишлар «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Сўғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Гийҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонунларга киритилди.

## Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон имзоланди.

Ҳужжат билан ташкил этилган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси (Давсувинспекция) бевожуб ўзига ҳисобот берадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш ҳудудий инспекцияларига эга.

Шу тариқа, мамлакатимизда сув таъминоти ва канализация соҳасидаги давлат назорати органларининг ягона тизими ташкил этилади. Бунда лавозимга тайинлаш ва ундан озод этишнинг қуйидаги тартиби белгиланган:

- «Давсувинспекция» бошлиғи (ўз мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилди) – Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

- ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш бўйича ҳудудий инспекциялар раҳбарлари – тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари

тақдимномасига биноан «Давсувинспекция» бошлиғи томонидан.

Давсувинспекция қуйидагиларни назорат қилади:

- ичимлик сувини оқилон ва самарали ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва реализация қилиш, канализация ва оқова сувларни тозалаш хизматлари кўрсатиш соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши;

- сув таъминоти ва канализация ташкилотлари томонидан технологик жараёни такомиллаштиришга ва энергияни тежашга йўналтирилган сув таъминоти ва канализация тизими объектларининг техник аудитдан ўтказилиши;

- сув таъминоти ва канализация тизимига улашнинг техник шартлари талабларига риоя этилиши, сув таъминоти ва канализация тизимига ўзбошимчалик билан уланиб олишга йўл қўймаслиги;

- сув таъминоти ва канализация тизими объектларининг ҳолати ва уларни ишлатиш шарт-шароитлари, сув

таъминоти ва канализация тизимидаги бузилишлар ва аварияларнинг профилактикаси ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилиши, ичимлик суви йўқотилишининг белгиланган нормаларига риоя этилиши;

- мулкчилик шаклларида қатъи назар, ерости суғлари қудуқларнинг ҳолати ва уларни ишлатиш шарт-шароитлари юзасидан давлат назоратини амалга ошириш.

Янги ташкил этилган Давлат инспекцияси алоҳида масалалар юзасидан Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Республика комиссияси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

## ХУМШни янги вазирлик назорат қилади

Президентимизнинг «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ҳужжат билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилди.

Илгари фаолият юритган «Ўзкоммунхизмат» агентлиги «Коммунал хизмат» агентлигига қайта ташкил этилди ҳамда янги вазирликнинг бўлинмаси сифатида унинг тузилмасига киритилди.

**Бу муҳим:** Бошқа вазифаларидан ташқари вазирлик ХУМШлари фаолиятини мувофиқлаштириш, кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш, улардан фойдаланиш ва эксплуатация харажатларини аниқлаш бўйича талабларга, кўп хонадонли уйлари техник эксплуатация қилиш қоидалари ва нормаларига, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларнинг санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда сақланишига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш билан шугулланади.

Бунинг учун вазирлик тузилмасида Кўп хонадонли уй-жой фонди-

дан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди. Инспекция қуйидагиларни назорат қилади:

- кўп хонадонли уй-жой фондини, унинг атроф ҳудудини сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш ҳамда кўчмас мулк эгалари томонидан хоналарнинг ўзбошимчалик билан қайта режалаштирилишига йўл қўймаслигини;

- умумий фойдаланиладиган жойлар, фасадлар, уй ичидagi муҳандислик коммуникацияларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши ҳамда уларни таъмирлаш-тиклаш ишлари тизимли амалга оширилишини;

- уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотлари томонидан тегишли коммунал хизматлар кўрсатишда техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини;

- кўп хонадонли уйлари мукамал таъмирлаш учун жамла-



надиган кўчмас мулк эгаларининг маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш.

Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига:

- кўп хонадонли уйлари сақлаш ва улардан фойдаланишнинг мавжуд қоида бузилишларини бартараф этиш бўйича – ХУМШларига ва кўчмас мулк эгаларига;

- тегишли коммунал хизматлар кўрсатишда техник тартибга солиш

соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиш бўйича – уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ташкилотларига бажариши мажбурий бўлган кўрсатмалар тақдим этиш ҳуқуқи берилди.

Тақдим этилган кўрсатмалар бажарилмаган тақдирда инспекция тегишли мансабдор шахсларга (шу жумладан, ХУМШ раисларига) жазраи солади. Бунинг учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар киритилади.

## Молиявий саводхонлик – иқтисодий ривожланиш ва шахсий фаровонлик асоси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Молия соҳасини ривожлантириш агентлиги ва Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш» лойиҳаси доирасида 23 та вазирлик ва муассасалар вакилларида ташкил топган маслаҳат ва ишчи гуруҳларининг қўшма ййғини ўтказилди.

Унда Ўзбекистонда аҳолининг молиявий саводхонлик дастурини амалга оширишнинг беш йиллик чора-тадбирлари режаси муҳокама этилди. Дастур бюджет, ёшлар учун таянч компетенциялар ҳамда мониторинг ва баҳолашнинг концептуал асосларидан иборат бўлиб, гендер масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Таъкидландики, дастур доирасида қатор вазирлик ва давлат муассасаларида тренерлар учун муҳим пилот тренинглар ташкил этилди. Тренерлар таълим самарадорлигини таъминлаш учун жамғарма ҳамда бизнес симуляциявий ўйинлардан фойдаланган ҳолда интерфаол усуллар буйича малака оширилди.

Ўтган йили «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясининг жойлардаги 74 нафар тренери молиявий саводхонликни ошириш ва интерфаол усуллари қўллаш буйича тренинглардан ўтдилар. Уларнинг саъй-ҳаракати билан семинарларда тадбиркорлик салоҳиятига эга бўлган 1182 нафар ёш хотин-қиз ҳамда касб-хунар коллежларини битирувчи қизлари иштирок этди. Шу йилнинг апрель ойи якунига қадар тренингдан ўтган ёш хотин-қизлар сонини 3000 нафарга етказиш мўлжалланмоқда.

Февраль ойида Халқ таълими вазирлигига қарашли вилоятлардаги ўқитувчиларнинг малака ошириш институтларининг педагоглари учун тренинглар ўтказилди. Уларнинг

17 нафари тренерлик малакасини эгаллади ва келгусида машғулотлар олиб бориши учун зарур материаллар билан таъминланди. Натижада мазкур тренер-ўқитувчилар томонидан февраль-март ойларида худудларда фаолият юритаётган 634 нафар мактаб ўқитувчилари учун 22 та семинар ташкил этилди.

Бундан ташқари, Тошкент молия институтини ҳузуридаги молия-банк ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тармоқларида институтининг 20 нафар ўқитувчиси ҳам молиявий саводхонлик буйича тренинглардан ўтишди. Мазкур тренерлар икки ой ичида ташкил этган семинарларда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг 308 нафар ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этиб, ўзларининг молиявий саводхонлигини оширишга муваффақ бўлдилар. Институт тренерлари ташаббуси билан қўшимча равишда яна 20 кишидан иборат янги бир тренерлар гуруҳи учун машғулотлар ўтказилди.

Ҳозирги пайтда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг бир қанча тренерлари федерациянинг вилоят идораларида фаолият юритувчи ходимларини тренерликка тайёрлаш буйича машғулотлар олиб бормоқда.

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Матбуот хизмати.**

## IUT профессори Халқаро фанлар академияси эътирофиди

Тошкент шаҳридаги Инха университетининг физика фани ўқитувчиси Хусниддин Олимов Халқаро фанлар академияси (The World Academy of Science, TWAS)нинг ривожланаётган мамлакатлардаги 45 ёшгача бўлган ёш олимлари учун мукофотини қўлга киритди.

16 мамлакатдан ёш олимлар иштирок этган танловнинг «Физика ва математика соҳасидаги энг яхши илмий мақолалар» йўналишида тадқиқотчилар сўнгги беш йил мобайнида физика фани буйича халқаро нуфузли журналларда чоп этган мақолалари билан иштирок этганлар. IUT профессори 2016 йил учун мазкур нуфузли мукофотни қўлга киритган ўзбекистонлик ягона лауреат бўлди.

Тошкент шаҳридаги Инха университети ректори Сарвар Бабаходжаевнинг қайд этишича, яқинда университет маҳаллий профессорларни тайёрлаш дастурини ишга туширган. Мазкур дастур доирасида ёш ўқитувчилар ҳамда академик йўналиш буйича ходимлар



Ўзбекистондан ташқарида, жумладан, Жанубий Кореядаги нуфузли университетларда таълим олиш, илмий даражаларини ошириб қайтишлари мумкин. Бу эса муассасадаги таълим сифатини ошириш баробарида, Ўзбекистонда фан-таълим ривожига ҳам ўз хиссасини қўшади.

**Жасур МИРЗАЕВ.**

## Имкониятлар кенгаймоқда

Бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда қонунчилик ҳам такомиллашиб бормоқда. Қонун ҳужжатларини ўрганиб, мазмун-моҳиятини ўзлаштириш юридик хизмат ходимларидан доимий равишда ўз устиди янгилашни ва малака ошириб боришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарориди белгилаб берилган тадбирларнинг асосий мақсади давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини кучайтириш орқали тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдан иборат.

Юридик хизмат – давлат органи ва ташкилоти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозим.

Мазкур қарорнинг энг муҳим жиҳат-

ларидан бири шундаки, эндиликда юридик хизмат ходимларига ҳам адлия органлари ходимларига белгиланган мартаба даражалари берилди ҳамда кўп йиллик хизматлари учун устамаларни тўлаш тартиби татбиқ этилади. Юридик хизмат ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахслар ўз касбий билимлари, ўқув ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш ва шакллантириш, шунингдек, ишнинг ўзига хослиги, тайинланаётган лавозими буйича функционал вазифаларини сифатли бажариши учун илгор тажрибани эгаллашни таъминлаш мақсадида белгиланган тартибда адлия органларида икки ҳафталик муддатда стажировкадан ўтади.

Мухтасар айтганда, юридик хизматларнинг тубдан такомиллашаётганлиги уларнинг самарали фаолият юритишига, юртимизда қонун устуворлиги изчил таъминланишига хизмат қилади.

**Мадина ҚУРБОНОВА,  
ҳуқуқшунос.**

## Дунё таълими ва касби

Пойтахтимизда «Таълим ва касб-2017» халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Россия, Беларусь, Швейцария, Жанубий Корея ва Сингапур каби давлатлардан 30 дан зиёд университет вакиллари иштирок этди.

ли ҳамкорлигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Айни пайтда Россия олий ўқув юрталарида 24 мингдан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар таълим олишмоқда. Улар юқори малакали мутахассис бўлиб етишиб, юртингизнинг келгуси тараққиётига ҳисса қўишларига ишончимиз комил.

«Россотрудничество»нинг маълумот беришича, 2016 йилда Ўзбекистондан 2 мингдан ортиқ ёшлар Тошкентдаги Россия фан ва маданият марказида имтиҳон топшириш орқали Россиядаги турли ўқув юрталарига ўқишга кирдилар. Ўзбекистонлик талабалар орасида Қозон федерал университети, Узоқ Шарқ федерал университети ва Россия халқлар дўстлиги университетида ўқишга қизиқиш катта. Ўзбекистон пойтахтида Россиянинг учта – Ломоно-



сов номидаги МДУ, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ва Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

«Россотрудничество» федерал агентлиги 2008 йил сентябрда тузилган. Ташкилот халқаро алоқалар, гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган

лоийҳаларни амалга ошириш ва хорижда Россиянинг ижобий имижини шакллантиришни мақсад қилган.

Тадбирда Томск вилоятидаги олий ўқув юрталари кенг намоиш этилди. Томск давлат университети, Томск политехника университети, Сибирь давлат тиббий университети, Томск давлат бошқарув тизимлари ва радиоэлектро-

ника университети, Томск давлат педагогика университети вакиллари мазкур олийгоҳларга қизиқиш билдирган ёшларимизни у ердаги таълим дастурлари билан яқиндан таништирдилар.

Томск вилояти маъмуриятининг халқаро ва минтақавий алоқалар департаменти ҳамда фан ва олий таълим департаменти қўллаб-қувватлаши остида бўлиб ўтган «Томскда таълим ол» лойиҳаси эса, ташриф буюрувчиларда катта таассурот қолдирди.

Кўргазма ташкилотчилари бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад олий таълим соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек, етакчи маҳаллий ва хориж ўқув муассасалари билан дўстона муносабат ўрнатилган иборат эканлигини таъкидладилар.

«Таълим ва касб-2017» кўргазмаси 24 апрель куни Самарқандда, 26 апрель куни Бухорода ҳам ўтказилиб, 28 апрель куни Фарғонада давом эттирилади.

**Юлдуз ЗОКИРОВА.**

Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, ВНМС Швейцария меҳмонхона бошқаруви мактаби, Жанубий Кореянинг «Solbridge Business School» мактаби, Малайзиянинг «Asia Pacific» университети шулар жумласидандир.

Кўргазмада мамлакатимиз абитуриентлари ва уларнинг ота-оналари дунёнинг турли олий таълим муассасалари билан яқиндан танишиб, кириш имкониятлари, факультетлар, мутахассисликлар, ўқиш муддати ва қиймати ҳақида батафсил маълумот олишга муваффақ бўлдилар.

Кўргазмада Россия Федерациясида 18 та олий ўқув юрти иштирок этди.

– Россия ва Ўзбекистонни мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари боғлаб туради, – деди «Россотрудничество» ваколатхонаси раҳбари Виктор Шулика. – Таълим соҳасидаги самара-

## «Ташаббус»корларни рағбатлантириш тадбири олдидан

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртакда «Ташаббус» кўрик-танловининг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказишга бағишланган анжуман ташкил этилди.

Маълумки, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови юртимизда кичик ва ўрта синф вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, илғор тажрибаларни омалаштириш, ёшларда тадбиркорликка иштиёқ уйғотишга хизмат қилаётгани билан янада аҳамият касб этмоқда.

— «Ташаббус» кўрик-танлови кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, улар эришаётган илғор натижаларни тарғиб қилиш, ёшларда мулкдор бўлиш ҳиссини кучайтириш ҳамда тадбиркорларнинг имкониятларини юзага чиқаришга катта хизмат қилмоқда, — дейди **Савдо-саноат палатаси бош мутахассиси Исомиддин Нуриддинов**. — Мазкур танлов ташкил этилганидан буён кичик бизнес соҳасидаги инновацион лойиҳалар сони кўпайди, минглаб тадбиркор, фермер ва хунармандларнинг имконият ва қобилиятлари юзага чиқиб, улар меҳнати

рағбатлантирилди.

Анъанага кўра, танлов Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермерлари Кенгаши, Ўзбекистон халқ усталари, хунармандлари, муассавирларининг «Хунарманд» уюшмаси, шу билан бирга, вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги ва молиявий кўмағида ташкил этилмоқда.

Ушбу кўрик-танловнинг республика босқичида «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери», «Йилнинг энг яхши хунарманди» каби асосий ҳамда «Энг яхши ёш тадбиркор», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор», «Менинг юртим — менинг ифтихорим», «Энг яхши оилавий бизнес соҳиб», «Йилнинг энг яхши маҳсулоти», «Энг яхши экспортчи», «Энг масъулиятли ижтимоий шерик» номли кўшимча номинациялар бўйича беллашди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳара-

катлар стратегиясида белги-ланган вазифалардан келиб чиқиб, жорий йилда «Ташаббус» кўрик-танловида «Ўзининг савдо белгиларини йўналтириш ва янги бозорларни эгаллагани учун», «Республика ички бозорларида талаб бўлган янги турдаги истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиққанлик учун» номли янги номинациялар жорий қилинди.

Таъкидлаш жоизки, танловнинг туман (шаҳар) босқичлари шу йилнинг 20-25 апрель кунлари бўлиб ўтди. 25 апрелдан 3 майгача Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари, республика босқичи эса 16-17 май кунлари ўтказилади. Шу кунлари пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида танловнинг республика босқичи иштирокчилари маҳсулотларининг кўргазмаси намойиш этилади.

«Ташаббус-2017» кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларини аниқлаш ва тақдирлаш маросими 16 май куни бўлиб ўтади.

Гулишан ЮСУПОВА.


## Маҳсулот экспортга чиқарилади

Ургут эркин иқтисодий зонаси ҳудудида фаолият юритаётган «Ахмад-Исроил текс» Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонасида 30 турдаги пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган йили фаолият бошлаган корхона йилига бир ярим млн. жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда 50 ишчи меҳнат қилаётган корхонада жорий йилнинг учинчи чорагидан маҳсулотлар турини ошириш режалаштирилган.

— Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожини учун яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, корхона фаолиятини янада кенгайтиришга эътибор қаратмоқдамиз, — дейди **корхона инвестори Абдукарим Ёсин**. — Айни пайтда маҳсулот экспортини амалга ошириш мақсадида Қирғизистон ва Қозоғистондаги ҳамкорлар билан амалий иш олиб бормоқдамиз. Маҳсулотнинг 40 фоизи экспортга йўналтирилади.

ЎзА.



## Глобал молиявий технологияларнинг ривожланиш тенденциялари

«Deloitte» компанияси «Connecting Global Fintech: Interim Hub Review – 2017» хисоботини чоп этди. Мазкур хисоботда дунё миқёсидаги 44 та шаҳарда молиявий технологиялар (финтех) ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган.



Ушбу йилда «Deloitte» ўтган йили хисоботга киритилган 20 та марказга яна 24 тани қўшиб, молиявий технология секторидан бизнес очишининг қулайлиги жиҳатини ҳам инобатга олган ҳолда олти та мезон асосида таҳлилни амалга оширди. Лондон ва Сингапур финтех стартапларини жорий қилиш бўйича энг яхши шаҳарлар сифатида тан олинди. Улардан сўнг Нью-Йорк, Силикон водейси ва Чикаго ўрин эгаллаган.

Мазкур хисобот муаллифларининг фикрича, ҳозирги пайтда глобал миқёсда финтех йўналиши изчил тараққий этиши асосида анъанавий банкинг ва стартаплар ўртасида ҳамкорлик янада яқинлашди.

Ҳисоботда Европанинг 20 та шаҳри финтех-интилишлари таҳлил қилинган. Мазкур шаҳарларнинг барчаси малакали кадрлар ҳисобига эътиборга тушган. Бироқ бир неча давлатлар — Буюк Британия, Россия, Швейцария ва Норвегия — «регулятив кумдонлар» (бу молиявий маҳсулотлар ва хизматлар ишланмалари билан шуғулланувчи компанияларга маҳсулотларни назорат қилинадиган муҳитда молиявий қонунчиликни бузмаган ҳолда сивовдан ўтказиш им-

конини яратувчи режимдир яратганлар. Фақатгина айри-мамаклатлар регуляторлари дунёнинг бошқа мамлакатлари регуляторлари билан финтех ҳамкорлик ўрнатганлар.

Осиё — Тинч океани ҳудуди ва Ўрта Шарқда молиявий технологиялар ҳукумат томонидан энг кўп қўллаб-қувватланадиган соҳадир. Африкада аксарият финтех-лоийҳалар мобиль ва ижтимоий тўловларга йўналтирилган.

Шимолий Америкада молиявий технологиялар соҳасида энг ривожланган марказлар Силикон водейси, Нью-Йорк, Шарлотт ва Торонто экани қайд этилди.

Экспертлар Сингапурни «Финтех соҳасидаги етакчи мақомида Лондонга жиддий рақобатчи сифатида» қарамоқдалар. Сингапурда финтех-лоийҳаларни ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши 225 млн. долларга баҳоланмоқда.

Ҳозирда Хитой финтех-секторда битимлар ҳажми бўйича 7,7 млрд. доллар кўрсаткич билан етакчи мақомини эгаллаб турибди. Молиявий технологиялар бўйича глобал марказлар тўғрисидаги кенгайтирилган хисобот жорий йилда кейинроқ эълон қилинади.

Бекзод АКРОМОВ.

### БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Наشر учун масъул

А.С. АСҚОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета таҳририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КУМАГИ

Ўза, «Туркистон-пресс» НАО

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси — 102.  
Жисмоний шахслар учун нашр индекси — 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба куни чиқади.

Буюртма № 937.

Адади 7669 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 4 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 26.04.2017 й., 9.00.